

ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА КОРХОНАЛАРНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ БЎЙИЧА АУДИТОРЛИК БАҲОСИНИ БЕРИШ МАСАЛАЛАРИ

З.У. Мухаммадиев – СамИСИ “Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси доценти в.б., и.ф.ф.д., PhD

Аннотация: Мазкур мақолада халқаро тажрибалар асосида корхоналарни модернизациялаш, уларнинг кўрсаткичлари бўйича аудиторлик баҳосини бериш масалалари ёритилган.

Калим сўзлар: корхоналарни модернизация, модернизациялаш кўрсаткичлари, модернизациялаш йўналишлари, аудит, аудиторлик баҳоси.

Аннотация: В данной статье освещены вопросы модернизации предприятий на основе зарубежного опыта с предоставлением аудиторской оценки их показателей.

Ключевые слова: модернизация предприятий, показатели модернизации, направления модернизации, аудит, аудиторская оценка.

Abstract: This article covers the issues of modernization of enterprises based on international experience, providing an auditor's assessment of their indicators.


Keywords: modernization of enterprises, modernization indicators, modernization directions, audit, auditor assessment.

Халқаро ва миллий таълимотда корхоналарни модернизациялашни ифодаловчи кўрсаткичлар таркибини белгилаш, уларни тизимлаш, таснифлаш, баҳолаш ва аниқлаш бўйича олимлар ўртасида турлича қарашлар ва ёндашувлар мавжуд. Корхоналарда модернизациялаш жараёнларини ифодаловчи кўрсаткичларни тизимлаш негизига “мақсад-жараён-натижа” занжирида шаклланадиган кўрсаткичларни олиш мақсадга мувофиқ. Ушбу занжирга асосан корхоналарни модернизациялашни ифодаловчи кўрсаткичлар биз томонимиздан 3та гуруҳга ажратилди, ушбу гуруҳлар таркибига қуйидаги миқдор ва сифат кўрсаткичларни киритиш тавсия этилади (1-расм)

Корхоналарни модернизациялашни ифодаловчи кўрсаткичлар

Корхоналарни модернизациялашга бўлган талабни (муҳтожликни) ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичлар

- *Ўтган ҳисобот йил охирига асосий воситалар ва номоддий активларнинг эскириш коэффициенти ;
- *Ўтган ҳисобот йил охирига тугалланмаган капитал инвестициялар суммаси;
- *Ўтган ҳисобот йил охирига тугалланмаган капитал инвестициялар улуши коэффициенти;
- *Ҳисобот йили бошига асосий воситалар ва моддий активларни модернизациялашга бўлган талаб (муҳтожлик) даражаси;
- *Ҳисобот йили бошига АВлар ва НАларни модернизациялашга зарур бўлган капитал инвестицияларга



1-расм. Корхоналарни модернизациялашни ифодаловчи кўрсаткичлар¹

Изланишларимиз шуни кўрсатдики, корхоналарни модернизациялаш жараёнлари бўйича аудитнинг ахборот фойдаланувчилар, чунончи ички ва ташқи инвесторлар талабларига жавоб берувчи яхлит самарали модели тўлиғича шаклланган эмас. Амалиётда ўтказилаётган мажбурий ва ташаббус тарзидаги ташқи аудит, шунингдек ички аудит хизмати томонидан олиб борилаётган текширувларда корхоналарни модернизациялашни ифодаловчи кўрсаткичларга чуқур эътибор берилаяпти деб бўлмайди. Биз томонимиздан инвесторлар томонидан корхоналарни модернизациялаш ва унинг натижалари тўғрисидаги ҳисоб ва ҳисобот ахборотлари комплекслиги ва реаллигига қўйилаётган талаблардан келиб чиқиб, корхоналарни модернизациялашни ифодаловчи асосий кўрсаткичларга аудиторлик баҳосини беришнинг муаллифлик услуги тавсия этилди, ушбу услубни аудит амалиётида қўллаш тартиби “Самарқанд-Парранда” АЖ материаллари асосида кўрсатиб берилди (1-жадвал).

1-жадвал

“Самарқанд-Парранда” АЖда 2018 йилда амалга оширилган модернизациялаш жараёнлари ва улар натижаларининг ҳолатига аудиторлик баҳоси²

Т/р	Кўрсаткичлар	Меъёрий миқдор (режа)	Эришилган миқдор	Аудиторлик хулосаси ва тавсияси
1	Ўтган ҳисобот йил охирига асосий воситаларнинг эскириш	50	71,0	Салбий, АВ эскириш даражаси юқори, уни

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

² Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

	даражаси (Эдк), %			янгилаш эвазига пасайтириш зарур
2	Ўтган ҳисобот йил охирига номоддий активларнинг эскириш даражаси (Эдк), %	50	0	Салбий, янги НАларга инвестициялар киритиш чораларини кўриш лозим
3	Ўтган ҳисобот йил охирига тугалланмаган капитал инвестициялар улуши (ТКИк), минг сўм	0	0	Салбий
4	Ҳисобот йили бошига асосий воситалар ва моддий активларни модернизация-лашга бўлган талаб (Ммд), млн сўм	6587	0	Салбий, талаб миқдоридаги маблағларни топиш зарур
6	Ҳисобот йили бошига асосий воситалар ва моддий активларни модернизациялашга зарур бўлган капитал инвестицияларга талаб суммаси (Мски), млн.сўм	0	6587	Ички ва ташқи молиялаштириш манбаларини жалб этиш лозим
7	Ҳисобот йилида модернизациялашга сарфланган тугалланган капитал инвестициялар суммаси (Ткис), минг сўм	0	0	Салбий, модернизациялаш мавжуд эмас
8	Ҳисобот йилида модернизациялашга сарфланган жами капитал инвестициялар суммаси (МСжкис), минг сўм	-	27500	Капитал инвестициялар ҳажми кам
9	Ҳисобот йилида модернизациялаш эвазига асосий воситаларнинг янгиланиш даражаси (АВяд), %	10	5	паст даражада, уни 50 %гача ошириш лозим
10	Ҳисобот йилида модернизациялаш эвазига номоддий активларнинг янгиланиш даражаси (НАяд)	0	0	йўқ, кескин чора кўриш лозим
11.	Ишлаб чиқаришни модернизациялашга капитал инвестицияларнинг жами корхонани модернизациялашга капитал нвестициялардаги улуши (ЖКИу), %	10	3	50 %гача етказиш лозим
12.	Меҳнат унумдорлигини ошиши (ΔМу), %	5,0	2,0	
13.	Ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши(ΔИчх), %	5,0	2,0	
14	Сотиш ҳажми (даромад)нинг ошиши (ΔСд), %	5,0	3,0	
15	Маҳсулот сифати ва экспорбоплигининг ошиши (ΔЭс), %	5,0	1,0	Кўрсаткичлар ҳолати қоникарсиз, уларни ошириш бўйича кескин чоралар кўриш лозим
16	Бир бирлик маҳсулот таннархининг пасайиши (ΔТх), %	5,0	7,0	

17	Соф фойданинг ошиши (ΔC_f), %	5,0	0,6
18	Асосий воситалар қайтимининг ошиш (ΔF_k), %	3,0	0,2
19	Асосий воситалар сифимининг камайиши (ΔF_c), %	3,0	0,2
20	Асосий воситалар рентабеллигининг ошиши (ΔF_p), %	3,0	0,2

Бизнинг фикримизча, корхоналарни модернизациялаш жараёнлари ва улар натижаларини “мақсад-жараён-натижа” занжирида яхлит тарзда текшириш, ушбу жараёнлар тўғрисида исботу-далилларни комплекс тарзда йиғишга имкон берувчи аудит режаси ва дастурини ишлаб чиқиш, шунингдек инвестицион лойиҳалар ва улар ижроси учун сарфланган капитал инвестицияларни текшириш натижаларини ўзида мужассамлаштирувчи яхлит аудиторлик иш ҳужжатлари шакллари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ўқув ва амалий қўлланмаларга киритиш мазкур муҳим жараён аудитининг назарий, ташкилий ва услубий асосларини янада такомиллаштиришга, улар тўғрисида фойдаланувчиларни, чунончи инвесторларни реал ва кафолатли ахборотлар билан таъминлашга имкон беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТ

1. O'Ktarnovich, P. L. X., & Boxodirovich, E. F. (2022). RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA BUXGALTERIYA HISOBNI O'RNI. *Journal of marketing, business and management*, 1(2), 120-124.
2. Po'Latov Xudoyberdi, O. K. (2022). BUXGALTERIYA HISOBIGA RAQAMLI TECHNOLOGIYALARNI JORIY ETISH YO'LLARI. *Journal of marketing, business and management*, 1(1), 37-40.
3. Пўлатов, Х. Ў. (2021). ACCOUNTING ACCOUNTS IN WHOLESALE ENTERPRISES. *Экономика и социум*, (4-2), 318-323.
4. Пўлатов, Х. Ў. (2021). DIRECTIONS TO IMPROVE TURNOVER ACCOUNTING IN ENTERPRISES OF DIFFERENT ACTIVITIES. *Экономика и социум*, (5-2), 186-189.
5. Shirinov, U. (2017). The ways of accounting over telephone communication services in the existence of billing systems. *TRANS Asian Journal of Marketing & Management Research (TAJMMR)*, 6(2and3), 23-31.
6. Shirinov, U. (2020). ACCOUNTING IN THE DIGITAL ECONOMY: SIGNIFICANCE AND ADVANTAGES. *International Finance and Accounting*, 23.
7. Abdusalilovich, S. U., & Azamat o'g'li, B. A. (2021, March). IMPROVEMENT OF ACCOUNTING OF INCOME FROM COMMUNICATION SERVICES. In *Euro-Asia Conferences* (Vol. 3, No. 1, pp. 108-111).
8. Shirinov, U. A. (2018). TELERADIO XIZMATLARINI KO 'RSATUVCHI SUB'EKTlarda HARAJATLAR HISOBI. *Turizm ilmiy-amaliy elektron jurnali*, 1(1), 96-100.
9. Uchkun, S., & Dilshod, N. (2022). PROCESS OF IDENTIFYING THE SIGNIFICANT ACCOUNTS IN THE REVENUE CYCLE. *Journal of marketing, business and management*, 1(1), 32-36.
10. Ширинов, У. А. (2019). Телефон хизматларидан олинадиган даромадлар ҳисобини такомиллаштириш. *Интернаука*, (2-2), 83-85.
11. Ширинов, У. А. (2019). Учет расходов в субъектах оказывающих услуги телерадио. *Интернаука*, (5-2), 19-21.
12. Худайбердиев, Н. У., Ширинов, У. А., & Алибоев, А. (2021). РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Интернаука*, (7-2), 94-97.
13. Ширинов, У. А. (2021). IMPROVING INCOME ACCOUNTING IN COMMUNICATION ENTERPRISES. *Мировая наука*, (7), 93-97.
14. Baxromovich, U. K. (2021). Risk Assessment and Internal Control System in Audit. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 7, 1-5.

15. Keldiyorqizi, U. S. (2021). The role of international audit standards on the audit of oil and gas companies in Uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1346-1351.